

ХОҲИШ-ИСТАК КОНЦЕПТИ – МОДАЛЛИК КАТЕГОРИЯСИ ТАЛҚИНИДА

Камолдин Жамолович Умаров
Андижон давлат университети ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада хоҳиш-истак концепти модаллик категорияси сифатида талқин қилиниб, модус ва модаллик тушунчаларининг алоқадор ва фарқли жиҳатлари ўрганилди. Шунингдек, истак маъносини ифодаловчи тил бирликлари таҳлил қилинди.

Калит сўзлар: истак категорияси, диктум, модус, модаллик, ифода плани, мазмун плани, феъл шакллари.

ABSTRACT

the article interprets the concept of desire as a category of modality, and examines the related and different aspects of the concepts of mode and modality. Language units expressing the meaning of desire were also analyzed.

Keywords: category of desire, dictum, mode, modality, plan of expression, plan of content, verb forms.

КИРИШ

Замонавий тилшуносликда антропоцентрик тамойилнинг етакчи парадигмага айланиши натижасида структур-семантик ва когнитив ёндашувлар асосида воқеликнинг концептуал хусусиятларини тадқиқ қилиш, оламнинг лисоний манзарасида миллий-этник хусусиятларнинг ифода имкониятларини ўрганишга қизиқиш кучайди.

Мулоқот жараёнининг парадигматик, синтагматик ва вариант муносабатлари таҳлили орқали контрастив тадқиқотларни ривожлантириш, тил ва маданият муаммоларига қизиқишнинг фаоллашуви когнитив, этнолингвистик тадқиқот имкониятларни кенгайтириш, миллий-маданий концептларни ўрганиш муаммосига олиб келди.

Истак категориясининг ўзбек тилидаги ўзига хос вербал воситаларини концептуал методология асосида тадқиқ қилиш ушбу концептосфера семантикаси воқеланиши жарёнидаги лингвокультурологик ва прагматик хусусиятларининг намоён бўлишини илмий асослаш имконини беради.

Тилшуносликда модаллик деганда, одатда, сўзловчининг ифодаланаётган фикрга муносабатини билдирувчи грамматик – семантик категория ёки сўзловчининг гап мазмунига бўлган муносабати тушунилади. Сўзловчи объектив воқеликни баҳолаш тарзида қабул қилиб, уни ўз онгида акс эттиради ва воқеликка бўлган муносабатини ҳар хил семантик категориялар ёрдамида баён қилади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ж.Ёқубов реаллик, мумкинлик, зарурият тушунчалари қаторида **истак** мазмунини ҳам модаллик категориялари таркибига киритади.

Жумладаги модаллик категориясини англаш учун пропозиция, диктум ва модус тушунчаларини фарқлаш зарур бўлади. Пропозиция - объектив ҳолатни акс эттирувчи ўзгармас маъно. Муайян жумлада пропозиция сўзловчи томонидан у ёки бу тарзда талқин қилинади. Натижада, ифода икки томонлама мазмунга эга бўлади: объектив мазмун ва унинг талқини. Нутқ семантик тузилишининг ушбу иккита мажбурий жиҳатини белгилаш учун француз тилшуноси Шарл Балли **диктум** ва **модус** атамаларини киритган.

Бошқача қилиб айтганда, “Мазмуний синтаксисда гап мазмуни икки унсур – объектив ва субъектив мазмундан иборат деб қаралади. Объектив мазмун гапда акс этган пропозиция бўлиб (у диктум ҳам дейилади), субъектив мазмун эса бу воқеликка сўзловчининг муносабати (у модус деб юритилади)дир.”

Диктум лотинча *dictum* - сўз, ифода. А.Нурмонов диктум, айнан, пропозиция эканлигини айтиб ўтади: “Диктум – бу синтактик қурилма ифодалайдиган объектив мазмун, яъни пропозициядир.”

Модус – (лотинча *modus* – йўл, восита) ифоданинг модал қисми ёки воқеликнинг субъект призмаси орқали акс этиши, ифодада келтирилган воқеликка унинг муносабати. М.Ҳакимов модуснинг прагматик жиҳатини шундай тавсифлайди: “Модус тушунчаси билан боғлиқ мазмуний таҳлил ифоданинг шаклий жиҳатидан қатъий назар унинг ички семантик тузилиши - нутқ иштирокчиларининг “нима демоқчи эканликлари” ҳақидаги очиқ ҳамда яширин баёни билан характерланади.”

"У шеър ёзади" жумласида ёзмоқ предикатига асосланган, иккита актантага эга - субъектив (ким) ва объект (нима) пропозиция мавжуд. Пропозиция, диктум мазмунига қўшимча равишда, ифодаланган вазият ҳозирги замон, шунингдек, вазият субъекти - учинчи шахс маъносига эга. Бу пропозицияни

бошқача тушуниш (талқин қилиш) ҳам мумкин: "Сен ҳам шеър ёзсанг эди". Энди бу ифодада воқелик реал эмас, балки истак тарзида тақдим этилади, вақт ноаниқ бўлади, нутқий вазиятнинг субъекти ўзгаради - бу адресат, иккинчи шахс. Ифодага сўзловчининг эҳтимолий кўрсаткичларини киритиш мумкин: "(Менимча, эҳтимол) у шеър ёзади." Уларнинг ҳар бирида модал қийматлар ўзгаради. Шу тариқа, модус маънолар (ёки категориялар) хилма-хил ифодаланади ва маълум бир тизимни ҳосил қилади.

Модуснинг актуаллаштирувчи категориялари хабар (пропозитив мазмун)нинг воқеликка муносабатини ифодалайди. Булар: модаллик, шахс (персоналлик), замон (темпораллик) ва макон (локаллик).

Е.С.Ярыгина «Модус и модальность – терминологические синонимы?» («Модус ва модаллик – синоним терминларми?») мақоласида модаллик ва модус тушунчалари бир-бирини такрорламаган ҳолда параллел равишда қўлланиши хусусида фикр юритар экан, модус прагматика билан, модаллик эса грамматика билан чамбарчас боғлиқ, шунинг учун модус модалликдан фарқли равишда кенгроқ семантик доирада амал қилиши билан тавсифланади, деган хулосага келади.

Модаллик реал/нореал нуктаи назаридан пропозитив мазмуннинг воқеликка муносабатини ифодалайди. Масалан:

Тошкентга бораман
Тошкентга боргим келади
Кейинги ҳафта боришим мумкин.
Тошкентга боришим керак
Эртага бор.

Ушбу жумлаларда “кимнингдир бориши” пропозицияси биринчи ҳолатда реал воқелик сифатида, бошқа ҳолларда - нореал: истак, эҳтимолий, мажбурий, буйруқ талқинида тақдим этилган.

Модаллик категорияси грамматик ва лексик усуллар билан ифодаланади. Масалан, истак маъносини ҳосил қилиш учун -й (ўқий), -ай (борай), -(а)йлик (ўқийлик, борайлик); асос + ги + эгалик аффикси + келди+замон (боргиси келди, боргиси келяпти, боргиси келади), шунингдек, истак маъносидаги феъллар (хоҳламоқ, истамоқ) киради.

Модаллик категориясининг тизимдаги ўрнини белгилаш маъносида бошқа категориялар хусусида ҳам қисқача тўхталиб ўтамиз.

Шахслантириш (персоналлик) - ҳаракат, белгининг вазият субъектига муносабати. Бунда субъект сўзловчи (I шахс), адресат (II шахс) ва мулоқот актида иштирок

этмайдиган (III шахс) бўлиши мумкин. I ва II шахс шахс маъноси кишилиқ олмоши, феъл шакллари билан, III шахс маъноси кишилиқ олмоши, от, феъл шакллари билан ифодаланади. Тўйга боргим келяпти (- м шахс-сон кўшимчаси).

Замон категорияси воқелиқни вақт ўқиға нисбатан белгилайди. Маълумот нуқтаси - нуққ пайтидир. Вақт локализацияси қарама-қаршилиқда намоён бўлади: ҳозир - олдин - кейин. Феълнинг замон шакллари ҳамда вақт маъноли сўзлар билан ифодаланади. Масалан, Бугун кетгим келяпти жумласида бугун равиши ҳам, кетгим келяпти феъл шакли ҳам ҳозирги замонни ифодалайди.

Нореал модаллиқ маъносига эға бўлган гапларда вақт қатъий бўлмайди (вақт ноаниқлиғи). Масалан: Мен бу ердан абадий кетишни хоҳлайман!

Макон. Модаллиқ, шахс ва замон категорияларидан фарқли ўлароқ маконнинг қиймати ихтиёрий бўлади. Воқелиқнинг мулоқот маконида ёки ундан ташқаридаги ифодаси от, олмош, равиш, феъл шакллари каби тил бирлиқлари билан ифодаланади. Санаторийда дам олдим. У ерга яна борсам дейман.

Таҳлиллардан кўринадики, бу категориялар жумла таркибида бир вақтнинг ўзида параллел равишда ифодаланаверади.

Модуснинг истак маъноси коммуникантларга боғлиқлиғи жиҳатидан субъектив, каузатив, ижтимоий мазмун ифодалашни мумкинлиғига, шу билан бирга, ўзбек тилида истак модал маъноси турли воситалар, бирлиқлар орқали ифодаланишига амин бўлдиқ.

Субъектив истак:

Дунёдаги энг пок, энг олижаноб онани ўлдирган, ҳар бир айтган гапини ибрат, ҳар бир босган қадамини мардлик йўли деса бўладиган мард отани ўтда куйдирган хоиннинг қабрини **тепкилагиси келди**. Ёнаётган қабр кулларини чўл шамолларига **сочиб юборгиси келди**. Қабр алангаси Низомжоннинг кўзларида акс этиб турарди. У қаҳр-ғазаб билан лаънат деди-ю, кескин бурилиб одамларга эргашди. (Саид Аҳмад “Уфқ”)

Ушбу дискурсив вазиятда субъектнинг истаги бошқа бир субъектга нисбатан нафрати кучайиши оқибатида пайдо бўлганини англаувчи психо-прагматик мазмун ифодаланган, яъни бу ерда модаллиқ қаватланган: нафрат+истак.

Каузатив истак:

1) Ўғлининг ачиқланаётганини кўриб она сергақланди.

- Хўп, хўп, болам. Энди гапирмайман. Борсанг, яхши бўларди. Ҳамма ўртоқларинг ўша ерда. (Саид Аҳмад “Уфк”)

2) - Кейин айтаман. Вақт топиб, кечроқ хув ўша анҳор бўйига **бор. Борасанми?** Рост айт, **борасанми? Бора қол!**- Низомжон кейинги гапларни ўпкаси тўлиб айтди.

- Гапинг бўлса ҳозир айта қол.

- Хотиржам айтадиган гап. **Борасанми, а?** (Саид Аҳмад “Уфк”)

Биринчи диалогда Борсанг, яхши бўларди жумласида шарт-истак маъноси қоришиқ келган. Она боласининг ўша даврага боришини хоҳламоқда, шунинг учун ялинчоқ оҳангда боришга ундамоқда. Гапининг таъсир кучини ошириш мақсадида ўртоқларининг ҳам ўша ерда эканлигини таъкидлапти.

Иккинчи диалогда ҳам юқоридагидек истак мазмуни сўзловчининг шеригига йўналтирилган, яъни тингловчини боришга ундамоқда. Бироқ истак маъносидаги субъектив муносабатни кучайтириш “бормоқ” феълининг қайта-қайта такрори орқали ифодаланган.

Бундай ифодаларни каузатив истак деб атаганлигимизнинг сабаби ҳам, хоҳиш-истак мазмуни, айнан, бошқа субъектга йўналтирилганлиги билан изоҳланади. Бу ерда истак эгаси бўлган субъект, яъни сўзловчи шахс “каузатор” сифатида бошқа бир субъект, яъни адресатни ҳаракатга ундаяпти.

Ижтимоий истак:

Биз журнал саҳифаларидан айти баҳсга минбар ажратар эканмиз, бутун халқимиз каби шуларни орзу қилдик: шояд ўзбек тили юксак **қадр топса**, мунтазам алифбомизга **эга бўлсак**, имлода ҳам **якдилликка эришсак**.

Истак тушунчаси сўзловчининг коммуникатив нияти асосида ҳосил бўладиган дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар билан бир семантик категорияни – гапнинг ифода мақсади категориясини ҳосил қилади. Ушбу семантик категорияни ифодалашда эса, табиийки, гап мазмунида хоҳиш-истакни ифодаловчи феъллар муҳим ўрин тутаяди. Истакни ифодаловчи феъллар, бир томондан, ҳис қилиш, сезиш феълларига яқин бўлса, иккинчи томондан, улар хоҳишни англатувчи феълларга яқиндир: истак қандайдир ички руҳият талабларини ҳис қилиш, тушуниб етиш, шунингдек, уларни қондиришга интилиш билан боғланган.

Истак маъносини ифодаловчи конструкциялар:

а) феъл асос + ги + эгалик аффикси + бош келишиқ Х кел- + замон кўрсаткичи + III шахс тусловчиси:

айт+ги+м келди

айт+ги+миз келди

айт+ги+нг келди

айт+ги+нгиз келди

айт+ги+си келди

айт+ги+лари келди

Алимардон сесканиб бошини кўтарди-да, қарши томондан оқ от етаклаб келаётган одамни ғира-шира кўрди. Бирдан унинг ҳамма нарсага **қўл силтагиси**, машинасига ўтириб, шартта орқага **қайтиб кетгиси келди**. (Ў.Ҳошимов, “Баҳор қайтмайди”)

б) феъл асос + -са + тусловчи аффикс

борсам борсак

борсанг борсангиз(лар)

борса борсалар

ХУЛОСА

Шуни айтиб ўтиш керакки, бу – са шакли содда гапнинг кесими бўлиб келганда истак маъносини, қўшма гап таркибидаги эргаш гап кесими бўлиб келганда шарт маъносини, - са-да, - са ҳам тарзида юкламалар билан бирга қўлланганда эса тўсиқсизлик маъносини шакллантиради.

Қани эди, тезроқ каникул бошланса (истак).

Борсанг, онанг хурсанд бўлади (шарт).

Ёши улғайса ҳам, ҳеч ақли кирмади (тўсиқсизлик).

б) феъл асос + -са + тусловчи аффикс + эди

эшитсам эди эшитсак эди

эшитсанг эди эшитсангиз(лар) эди

эшитса эди эшитсалар эди

Оллоҳдан қатра нур **сўролсам эди**,

Сени нигоҳимга **ўролсам эди**.

Кўзингдан кўз узмай **туролсам эди**,

Сени кўзларимда **кўролсам эди**. (А.Жумабоев)

REFERENCES

1. Нурмонов А. ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. Тошкент: Фан, 1992.
2. Стародумова Е. А. Синтаксис современного русского языка. Владивосток, Изд. Дальневосточного университета, 2005.
3. Цыбульская М.П. Диктум и модус как текстообразующие категории журналистского текста // Журналистика-2019: стан, проблемы і перспективы 21-я Міжнародная навукова-практичнай канферэнцыі. Мінск, 2019. // <https://mediana.by/rubriki/soobshchestvo/2115>

4. Якубов Ж.А. Модаллик категориясининг мантиқ ва тилда ифодаланиш хусусиятлари. НДА, Т.:2006.
5. Ярыгина Е.С. Модус и модальность – терминологические синонимы? // Вестник ВятГУ 2012, том 2, №2.
6. Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. Т.: Академнашр, 2013.

